

Шартнома № 160/2021

Фойдананилган қувурларни яроқлилигини аниқлаш тўғрисида

Урганч шаҳри

“ 28 ” 12 2021й.

“Урганчтрансгаз” УК номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи корхона директори А.А.Аминов (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади), бир томондан, “Ўзтрансгаз” АЖ номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи Жамият бошқарув раиси Б.Р.Нарматов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома мазмуни

1.1. “Буюртмачи” топшириғига кўра “Бажарувчи” ушбу шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида турли диаметрли фойдаланилган қувурларни яроқлилигини аниқлаш бўйича аттестацияланган лабораторияда бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

1.2. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” ўз зиммасига олган мажбуриятларни “Урганчтрансгаз” УКга қаршли Заунгур МГҚБ тасарруфидаги лаборатория орқали амалга оширилишини таъминлайди.

II. Хизматлар нархи

№	Хизмат тури	Миқдори	Нархи	Жами	ҚҚС 15%	Хизмат қиймати (ҚҚСбилан)
1	Труба Д 57	121,10	1254.60	151932.06	22789.81	174721.87
2	Труба Д 73	7 962,56	1254.60	9989827.78	1498474.17	11488301.94
3	Труба Д 76	3,85	1254.60	4830.21	724.53	5554.74
4	Труба Д 89	848,69	1254.60	1064766.47	159714.97	1224481.45
5	Труба Д 114	12,90	3258.50	42034.65	6305.20	48339.85
6	Труба Д 159	2 817,65	3258.50	9181312.53	1377196.88	10558509.40
7	Труба Д 168	33,75	3258.50	109974.38	16496.16	126470.53
8	Труба Д 219	6 386,94	3688.20	23556312.11	3533446.82	27089758.92
9	Труба Д 273	1 144,11	5136.09	5876251.92	881437.79	6757689.71
10	Труба Д 325	10 506,11	5136.09	53960326.50	8094048.98	62054375.48
11	Труба Д 377	400,00	5574.00	2229600.00	334440.00	2564040.00
12	Труба Д 426	2 841,37	5574.00	15837796.38	2375669.46	18213465.84
13	Труба Д 530	2 012,67	6051.67	12180014.65	1827002.20	14007016.85
14	Труба Д 720	17 185,66	7604.38	130686289.19	19602943.38	150289232.57
15	Труба Д 820	181,70	7604.38	1381715.84	207257.38	1588973.22
16	Труба Д 1020	44 578,06	9614.86	428611805.97	64291770.89	492903576.86
17	Труба Д 1220	18 540,39	11307.11	209638229.17	31445734.38	241083963.55
18	Труба Д 1420	315,11	11307.11	3562983.43	534447.51	4097430.94
19	Хужжатлар тайёрлаш (хулоса бериш)	20	1257339.80	25146796.00	3772019.40	28918815.40
	ЖАМИ:					1 073 194 719.12

2.1. Нархлар тасдиқланган калькуляция асосида белгиланади. Калкуляция нархлари, ҳукумат қарорлари асосида иш ҳақи ҳажмининг ошиши, шунингдек сарфланадиган материаллар нархининг ошиши билан боғлиқ бўлган ҳолатларда ўзгариши мумкин.

III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг йиллик тахминий баҳоси режага асосан **3 706 885 045,93 (Уч миллиард етти юз олти миллион саккиз юз саксон беш минг қирқ беш) сўм 93 тийин** (ҚҚС билан)ни ташкил қилади.

3.2. "Буюртмачи"га кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 100 % қиймати қабул қилиш ва топшириш далолатномаси икки томонлама тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.4. "Ўзтрансгаз" АЖга қарашли ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китоб ишлари авизо орқали амалга оширилиши мумкин.

IV. Иш шароитлари ва бажариладиган ишлар мазмуни.

4.1. "Буюртмачи" "Бажарувчи" билан хизмат тури масалаларини ҳал қилиш учун доимий алоқада бўладиган масъул вакилини тайинлайди _____.
(масъул шахснинг исм-шарифи)

4.2. Қувурларни визуал текшириш _____.

4.3. Ультратовуш ёрдамида метал қалинлигини ўлчаш _____.

4.4. Қувурларни маркалаш _____.

4.5. Техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш

4.6. Таҳлилдан сўнг Бажарувчи синов баённомаларини электрон шаклда 3(уч) иш куни ичида Буюртмачига тақдим этади. Ҳисоботларнинг асл нусхаси кейинги ойнинг бошида юборилади.

V. Ишнинг қиймати ва ҳисоблашиш тартиби

5.1. "Бажарувчи" томонидан бажарилган хизматлар, шу жумладан қўшимча хизматлар учун тўловлар 5 (беш) иш куни мобайнида тўланади.

5.2. Буюртмачи таҳлил учун ҳар ойда бир мартадан пул тўлайди ва ҳар чоракда бажарилган ва қабул қилиб олинган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилиб боради.

VI. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки тўлиқ бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлишади.

6.2. Шартноманинг 4-бандда кўрсатилган ишларнинг бажарилиши кечиктирилган тақдирда, Бажарувчи буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори бажарилмаган ишлар қийматининг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

6.3. Шартноманинг 5-бандида кўрсатилган тўлов кечиктирилган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлаб берилмаган сумманинг 0,1% миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори тўлови кечиктирилган сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

6.4. Ушбу шартномада кўрсатилмаган томонларнинг мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги фуқаролик кодексида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ тарзда белгиланади.

6.5. Пеня ёки фоизларини тўлаш томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома ижросида юзага келиши мумкин бўлган баҳс, мунозаралар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агар низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса, барча баҳсли масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иқтисодий судда ҳал этилади.

VIII. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қиладиган табиий ҳодисалар, жанговар ҳаракатлар ва бошқа шу каби енгиб булмас кучлар (форс-мажор) юзага келса, бундай ҳолларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.

8.2. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолати юзага келганда шу томон ушбу ҳолатлар рўй берган пайтдан бошлаб уч кун ичида бошқа томонга форс-мажор ҳолати тўғрисида хабардор қилиш шarti билан юқоридаги форс-мажор ҳолатлари тугаши муддатигача узайтирилади.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари мавжудлигининг исботи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки тугатилганлигини эълон қилинишига ваколатли орган томонидан тасдиқланган хабарнома бўлади.

8.4. Агар форс-мажор ҳолати давомийлиги 3 ойдан кўп муддатга чўзиладиган бўлса, томонлар ушбу шартномани яна давом эттириш ёки муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича музокаралар олиб борадилар.

IX. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Томонларнинг мажбуриятлари.

9.1. Тарафлар мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, пул бошқа қимматбаҳо буюмлар, мулк, мулк ҳуқуқи ёки бошқа моддий ёки номоддий неъматларнинг фойдасига ёки нима учун олиш ва олишга розилик беришдан тийилишади. Тарафлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар.

9.2. Тарафлар қонун бузилишига гумонларнинг пайдо бўлиши ёки шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинган тарафлар, ходимлар, фойда олувчилар, аффилиланган шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилиш эҳтимоли тўғрисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) бир-бирларини ёзма равишда очиқ ва дархол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

Шунингдек, агар томонлардан бири бошқа томон, унинг ходимлари, бенефитсиарлари, шериклари ёки шартномани бажаришда иштирок этадиган бошқа шахслар томонидан амалдаги қонунчилик ва/ёки ушбу шартноманинг коррупцияга қарши қоидаларини бузганлиги ёки содир бўлиши мумкинлиги тўғрисида асосли шубҳаларга эга бўлса, ушбу томон хат юбориш ҳуқуқига эга.

9.3. Агар битим бўйича бирон бир тараф корхона ходимларининг ҳаракатларига, ушбу шартнома ва/ёки амалдаги қонунчиликка, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганига мажбурлаш фактларига дуч келса, Тараф бу ҳақида коррупцияга қарши қоидаларга зид бўлган қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабар қилиши шарт.

- +998(71) 202-04-02 телефон рақами орқали коррупцияга қарши курашиш агентлигига оғзаки муурожаат билан;
- Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг <https://anticorruption.uz> расмий сайти орқали;

- Электрон тарзда томонларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали;
- Томонларнинг почта манзилларига юборилган ёзма мурожаатнома орқали;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга оғзаки ёки ёзма тарзда мурожаат йўллаш орқали;

Х. Бошқа шартлар

10.1. Томонлар ўртасида шартномада кўрсатилмаган янги ҳолатларга сабаб бўладиган барча ўзгаришлар ёзма шаклда яъни қўшимча келишув ёки баённома шаклида бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхадан иборат бўлиб, томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 31 декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

Томонларнинг юридик манзиллари ва тафсилотлари

Бажарувчи	Буюртмачи
“Урганчтрансгаз” УК	“Ўзтрансгаз” АЖ
Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, И.Каримов шоҳ кўчаси 61-уй. Телефон: +998 62 223 03 43	Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31А. Телефон: +998712021008
Банк: "Микрокредитбанк" Хоразм минтақавий филиали	Банк: Тошкент шаҳри, “Ўзсаноатқурилишбанки” АТБ Ракат филиали.
Х/р : 2021 0000 0001 7503 7016; МФО:00549	Х/р: 20210000900117836001; МФО:00435
ИНН: 200 407 848, ОКЕД: 49500	ИНН:200626188, ОКЕД:49500
Директор  Аминов А.А	Бошқарув раиси  Нарматов Б.Р.

